

Ўзбекистон мусулмонлари идораси делегация аъзолари Қозон шаҳрида



12:45 / 31.05.2022 1885

Ўзбекистон мусулмонлари идораси делегацияси аъзолари Россия Федерациясига ташрифи доирасида Татаристон Республикасининг Қозон шаҳрига етиб келди. Бу ҳақда fitrat.uz сайти хабар берди.

Куни кеча, яъни 30 май куни Татаристон Республикаси мусулмонлари диний идорасида Муфтий Комил ҳазрат Самигуллин ўзбекистонлик уламолар билан учрашув ўтказди.

Учрашувда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари Иброҳимжон домла Иномов муфтий ҳазратларига қардош ўзбек халқи номидан, хусусан, ЎМИ раиси, муфтий Нуриддин домла Холиқназаров ҳазратларининг дуои саломларини етказиб, самимий дил сўзларини изҳор

қилдилар.

Ўз навбатида, муфтий Комил ҳазрат Самигуллинга ЎМИ раҳбариятининг эсдалик ҳадяларини тақдим этдилар.

Шу кун пешин намозидан сўнг Қозон шаҳридаги марказий жоме масжидида юздан зиёд ватандошлар иштирокида учрашув ташкил этилди.

Қизиқарли ўтган давра суҳбатида иштирокчиларга диний-маърифий маълумотлар берилди, савол-жавоблар қилинди.

Йиғилишда ватандошларимизга жуда эҳтиёт бўлиш зарурлиги, турли ақидапараст оқимлар таъсирига тушиб қолмаслик учун нималарга эътибор қаратиш кераклиги афрофлича тушунтирилди.

Тадбирдан сўнг делегация аъзолари “Борнай”, “Эрик”, “Зангор” номидаги бир қанча масжидларга ташриф буюрди. Бу масжидлар маъмуриятига Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг эсдалик совғалари топширилди.